

ШАРТНОМА № 42504

(Товар-махсулотлари, қурилиш материаллари ва бошка махсулотлар сотиб олиш)

«9» сентябрь 2022 йил

Ўзбекистон туман

Икки томонлама хужалик муносабатларини ифодоловчи мазкур шартнома уз Низоми асосида иш юритувчи «Замон қурилиш таъмир» МЧЖ (кейинги уринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбари А.Алимов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда уз низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар Х.Курбонов (бундан буен бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади) урталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ

1.1. «Сотиб олувчи» куйидаги махсулотларини етказиб бериш учун буюради, «Етказиб берувчи» эса мазкур махсулотларни етказиб бериш ишларини бажаради.

Махсулотлар куйидаги ассортиментда ёки спецификацияга асосан етказиб берилади

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Чиқинди контейнерлар	дона	21	1950000	40 950 000
ЖАМИ					40 950 000

Мазкур шарноманинг умумий киймати Қирк миллион тўққиз юз эллик минг сўмни ташкил килади.

2. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Сотиб олувчи» махсулот учун олдиндан 30% микдоридан аванс туловини шартнома имзолангандан сунг (10) кун, ҳамда тулик хисоб-китобни (20) кун ичида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.2. «Етказиб берувчи» махсулотни етказиб бергандан сунг, хисобваарак-фактураларига асосан етказиб берилган махсулот киймати учун 70% «Сотиб олувчи» пул утказиш йули Билан туловни амалга оширади.

2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Етказиб берувчи» зиммасидан копланеди.

2.4. Ишлаб чиқарувчилар учун махсулотнинг калькуляцияси ва бахолар прејскуранти асосида нарх белгиланади.

2.5. Нарх-наволарнинг узгариши, энг кам ойлик иш хакининг кутарилиши ёки камайиши, пулнинг кадрсизланиши оқибатида шартнома киймати «Етказиб берувчи» томонидан кайта куриб чиқилади ва «Сотиб олувчи» томонидан янги нархлар буйича хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 20 (йигирма) кун муддат ичида «Сотиб олувчи» манзилгохига етказиб беради ва транспорт харажатларини уз зиммасига олади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»нинг вакилига, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган ҳамда юмолок мухр босилган ишонч когози курсатилгандан сунг махсулот беради.

4.2. «Етказиб берувчи» махсулот сифати ва микдорига тулик кафолат беради.

4.3. «Сотиб олувчи» шартномада курсатилган махсулотни сифати, нави ва категорияси талабга жавоб берган холатдагина уни кабул килиб олади.

4.4. «Сотиб олувчи» кабул килиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиклигини аниқлаган холда «Етказиб берувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган махсулотни «Етказиб берувчи»га кайтариб беради.

4.5. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га унинг ишонч когозида кайд килинган махсулотларни беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда, бу махсулотлар учун «Сотиб олувчи» томонидан кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак туланмайди.

4.6. «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз махсулотлар етказиб берилса, бу махсулотлар «Етказиб берувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак туланмайди.

4.7. «Етказиб берувчи» етказиб берган махсулотларни хисоб варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши, шунингдек, хисоб – варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик расмийлаштирилиши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб- варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

5. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб берилган холда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан бундай махсулотларни умумий киймати 20% жарима куллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» муддати утган хар бир Кун учун кечиктирилмаган махсулот кийматининг 0,5% микдорида лекин кечиктирилган махсулот кийматининг 50% дан ошмаган холда «Сотиб олувчи»га пеня тулайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тулаб бермаса, муддати утган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% микдорида, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган микдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбериятларини бажаришдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1. Шартнома тузлгандан сунг табиий офатлар (ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив – ҳукукий хўжжати, томонларни хохишидан каътий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга калган такдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар булмайди.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома «Фукаролик кодекси»нинг 366-моддасида курсатилган талаблар бажарилганда ва иккала томонлар имзолангандан сунг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022йил «09 » сентябрь 2022 йил « 31 »декабрь.

7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Сотиб олувчи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Етказиб берувчи томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3, - бандлари бажарилмаганда шартнома «Сотиб олувчи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Бекор килинганлиги тугрисида «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларини келтиирган хат билан маълум килади.

8. КУШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар узаро хал килинади. Агар узаро хал килинмаган такдирда Узбекистон Республикаси конунлариги асосан Иқтисодий судлари оркали хал килинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусха тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.3. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартнома кушимча битим имзоланиб ЮХК маркази томонидан кўриб чиқилгандан сунг конуний деб хисобланади.

8.4. Шартнома икки томонлама имзоланиб Газначилик бошкармалари (булим)да руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Замон қурилиш таъмир» МЧЖ

(мол хизмат курсатувчининг номи)

«Сотиб олувчи»

Ўзбекистон ТТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кўкон ш. Оқарик кўчаси

Тел./факс _

х/в 202080002006056300001

Банк номи Қишлоқ қурилиш банк Кўкон филиали

МФО 00630

СТИР 303851538

ОКОНХ 61110

Манзил : _Ўзбекистон туман Конизар Галаба 45

Тел./факс 73-53-93-211 _

ш/х* 100022860302307073101054003

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи_200189162

ОКОНХ_91511

Газначилик бўлимаси номи

Ғазна х/в 23402000300100001010


Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ХККМБ

МФО 00014

Газначилик бўлимаси СТИРи 201122919

Рахбар

М.У



(Ф.И.Ш)

(имзо)

А.Алимов

Рахбар


М.У



(Ф.И.Ш)

(имзо)

Х.Курбонов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 09-sentabr

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.
- 2.Loyihaning nomi: Tovar mahsulotlari, qurilish materiallari va boshqa mahsulotlar sotib olish.
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tuman Tibbiyot birlashmasi.
- 4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi va "ZAMON QURILISH TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida jami qiymati 40 950 000 so'm bo'lgan chiqindi konteynerlar sotib olish yuzasidan ishlab chiqilgan "Tovar mahsulotlari, qurilish materiallari va boshqa mahsulotlar sotib olish" to'g'risidagi shartnoma loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (tarablari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan

shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi xarid komissiyasining 2022-yil 06-sentabrdagi 143974-sonli bayonnomasiga asosan o'tkazilgan tanlovda "ZAMON QURILISH TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati tanlov g'olibi deb belgilangan.


"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asoslangan holda

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi va "ZAMON QURILISH TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida jami qiymati 40 950 000 so'm bo'lgan "Tovar mahsulotlari, qurilish materiallari va boshqa mahsulotlar sotib olish" to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



B.Turg'unov



Тасдиқлайман

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи: Х.А.Курбонов

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмасига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш ишчи гуруҳининг

Йиғилиш баёни № 26

09.09.2022

Ўзбекистон туман

Йиғилишда қуйидаги аъзолари қатнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи: Х.Курбонов

Аъзолари :

Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича

бошлиқ ўринбосари: Ф.Мамадалиев

Даволаш ишлари бўйича

бошлиқ ўринбосари: И.Махкамов

Ташкилий услубий бўлим бошлиғи: С.Умаров

Бош иқтисодчи: А.Хатамов

Йиғилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси бўлимларига чиқинди контейнерлари сотиб олиш учун 26.08.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида 22110012143974 лот орқали жами 41 160 000 сўмлик товарлар сотиб олиш учун жойлаштирилган.

Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “Замон қурилиш таъмир” МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

Х.Курбонов

Ф.Мамадалиев

И.Махкамов

С.Умаров

А.Хатамов